

Рўза қандай далил билан собит бўлган?



14:00 / 07.04.2023 2655

Рўза фарзи айн бўлиб, диннинг улкан бир рукни ва фарзлиги қатъий равишда Қуръон ва суннат билан собит бўлган, фарзлигига ижмоъ қилинган амалдир.

Рўзанинг фарзлигига Қуръондан далил:

نَمَنِيذِلَايَلَعَبِتُّكَ اَمَكُمَايِّصَلَا مُكَيْلَعَبِتُّكَ اُونَمَايِنِيذِلَا اِهِيَ اَي
... اَدُوْعَم اَمَايَا (183) نُوَقَّتَتْ مُكَيْلَعَلْ مُكَلْبَق

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки тақводор бўлсаларингиз. Саноқли кунлар...» (Бақара сураси, 183-оят).

Яна:

يَدُوْعَلَا نَمِيذِلَايَلَعَبِتُّكَ اَمَكُمَايِّصَلَا مُكَيْلَعَبِتُّكَ اُونَمَايِنِيذِلَا اِهِيَ اَي
... اَدُوْعَم اَمَايَا (183) نُوَقَّتَتْ مُكَيْلَعَلْ مُكَلْبَق

«Рамазон ойики, унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидоятү фурқондан иборат очик баёнотлар бўлиб Қуръон туширилгандир. Сиздан ким у

ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунларда тутадир. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинликни хоҳламас. Саноғини мукаммал қилишингиз ва сизни ҳидоятга бошлаган Аллоҳни улуғлашингиз учун. Шоядки шукр қилсаларингиз». (Бақара сураси, 185-оят).

Бу оятларда рўза тутишга бўлган амр буйруқ сийғаси билан бўлиб, рўзани фарзлигини ифода қилади. Бу далиллар «мусулмон киши рўза тутмаса ҳам бўлаверади» деб рўзани инкор қилувчини кофир бўлишини ифода қилади.

Рўзанинг фарзлигига ҳадисдан далил:

هَلْ يَلْعَلْ لَوْلَا رَجُلٌ لُّهُ رِجْلَانِ أَوْ رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ
أَدْمُ حُمْرٍ نَّأْوٍ، هَلْ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ
نَا ضَمْرٍ مَّوَصَّو، رَجَحُ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ لَوْلَا رِجْلَانِ

Ибн Умар розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Ислom беш нарсага бино қилингадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканлигига гувоҳлик бериш. Намозни тугал адо қилиш. Закот бериш ва ҳаж қилиш. Рамазон рўзасини тутиш», дедилар.

Яна:

مُكْرَهُشْ أَوْمُؤْصَو، مُمْكْسَمَخْ أَوْلَصَو، مُمْكَّبَرْ أَوْدُبْعَا، لَوْلَا قَوْف... هَلْ أَمَامُ أَيْ بَأْ نَع
مُمْكَّبَرْ هَلْ نَحْ أَوْلُحُ دَتْ مُمْكْسُفْنَا أَوْبُ هَلْ بَيْطْ طُمْ كَلْ أَوْمَا هَلْ كَزْ أَوْدَاو

Абу Умома розиаллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Ҳажжатул вадоъда:

«Роббиларингизга ибодат қилинглар, беш вақт намозларингизни адо қилинглар, Рамазон ойида рўзаларингизни тутинглар ва кўнгилдан чиқариб молларингиз закотини беринглар. Шунда Роббиларингиз жаннатига кирасизлар», дедилар».

Бухорий ривоят қилган. (Умдатул Фикҳ)

Манба: *fiqh.uz*